



O'zbekiston Ovozi

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi facebook.com/uzbekistanovozi instagram.com/uzbekiston_ovozi www.uzbovozi.uz info@uzbovozi.uz

№9

2026-yil
4-mart, chorshanba

1918-yil
21-iyundan chiqqan boshlagan



8 МАРТ — ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ



ҚАДРИНГ БАЛАНД ЮРТИМДА АЁЛ!

Аёл жамиятнинг юраги, оиланинг таянчи, миллат тарбиячиси. У бир қўлида бешик тебратиб, бир қўли билан ҳаётни тартибга соладиган мўъжиза, ҳаётнинг давомийлиги, меҳрнинг манбаи. У чексиз матонат тимсоли, нафақат оила, балки бутун жамиятнинг руҳи ва муваффақияти асоси аслида.

Унинг ҳиссиётлари, ақл-идроки инсонларни илҳомлантириб, улуғвор ишларга руҳлантиради. Шунинг учун аёлни қадрлаган юрт юксалади, аёлни эъзозлаган халқ кучли бўлади. Чунки аёл бахтли бўлса, бугун ҳам, келажак ҳам бахтли бўлади.

► (Давоми 4-бетда)

ДЕПУТАТЛАР САЙЛОВЧИЛАР ҲУЗУРИДА

МУЛОҚОТЛАР ВА НАТИЖАЛАР

► 2

МУНОСАБАТ

ЁШЛАРГА БЕРИЛГАН ИМКОНИАТ

ЮКСАК МАРРАЛАРГА
ЗАМИН БЎЛАДИ

► 7

ЖАРАЁН

БОЛАЛАРНИНГ ОММАВИЙ ЗАҲАРЛАНИШИ

МАСАЛАСИДА
ВАЗИРГА ДЕПУТАТ
СЎРОВИ ЮБОРИЛДИ

► 7

АКС-САДО



СУРХОНДАРЁ – ОНА ВАТАНИМИЗНИНГ ЖАНУБИЙ ТАЯНЧ УСТУНИ

Сурхондарё – мамлакатимизнинг жанубий жаҳоҳири ҳисобланади. Инсоният тамаддунида ўзига хос ўрин тутган замин сўнгги ўн йилда тубдан ўзгарди. Жойларда бекиёс янгиланиш ва оламшумул ислохотларга гувоҳ бўлиш мумкин. Халқимизнинг эртанги кун ва келажакка бўлган ишончи ошаётгани табиий. Президентимизнинг шу йил 26-27 февраль кунлари воҳага ташрифи доирасида юртдошларимиз билан бўлган самимий мулоқот ва дилдан кечган суҳбатларда ҳам бу яна бир бор ўз тасдиғини топди.

► (Давоми 6-бетда)

Мунозара майдони:

Бугун меҳнат бозоридаги асосий муаммолардан бири — норасмий иш билан бандлик масаласи бўлиб қолмоқда. Расмий маълумотларга кўра, дунё миқёсида ишга лаёқатли аҳолининг қарийб ярми меҳнат фаолиятини расмийлаштирмаган ҳолда амалга оширмоқда. Ўзбекистонда ҳам бу кўрсаткич катта улушни ташкил этади. Бу ҳолат айниқса, қурилиш, савдо, транспорт, хизмат кўрсатиш ва маиший хизмат соҳаларида кенг тарқалган.

ЯШИРИН МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ОҚИБАТЛАРИ

► (Давоми 3-бетда)



ДЕПУТАТЛАР САЙЛОВЧИЛАР ҲУЗУРИДА



Сайловчилар билан учрашувлар депутатлар учун аҳолининг ҳақиқий муаммолари ва эҳтиёжларини тўғридан-тўғри эшитиш имкониятидир. Бу учрашувлар орқали фуқаролар ўз фикрини билдириб, давлат ва маҳаллий ҳокимиятнинг диққатини энг долзарб масалаларга қаратиши мумкин.

Бундай мулоқотлар оддий гап-сўздан кўпроқ ҳаётий аҳамиятга эга. Улар орқали шахсий муаммолар, ишга жойлашиш, таълим ва ижтимоий хизматлар каби масалалар тезкор ҳал қилинади. Шунингдек, аҳолига амалий тавсиялар ва қўллаб-қувватлаш имкониятлари ҳам тақдим этилади.



МУЛОҚОТЛАР ВА НАТИЖАЛАР

Энг муҳими, бундай учрашувлар давлат ва аҳоли орасида ишонч муҳитини мустаҳкамлайди, фуқаролар ўз фикри ва ташаббусини эркин баён этишга, вакиллар эса уларга амалий ёрдам кўрсатишга интилади. Бу жараён ҳаётий масалаларни ҳал қилишда фаоллик ва ҳамкорликни оширади.

ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Зокиржон Зоҳидов иштирокида Сўх туманининг “Малбўт” маҳалласида фуқаролар билан очиқ мулоқот ўтказилди.

Учрашув давомида аҳоли томонидан ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга оид қатор долзарб масалалар кўтарилди. Хусусан, ер муносабатларини тартибга солиш, инфратузилмани яхшилаш, ичимлик суви таъминоти, электр энергияси барқарорлиги, ички йўللарни таъмирлаш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш юзасидан аниқ таклиф ва ташаббуслар билдирилди.

Депутат томонидан ҳар бир мурожаат атрофлича ўрганилиб, уларни қонуний асосда ҳал этиш, тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда тизимли чоралар кўриш зарурлиги таъкидланди. Қайд этилган масалалар парламент назоратига олиниши маълум қилинди.

Шунингдек, ташриф доирасида “Девайрон” МФЙ ҳудудида фаолият юритаётган нодавлат мактабгача таълим ташкилоти фаолияти ҳам ўрганилди. Таълим сифати, болалар учун яратилган шарт-шароитлар, санитария-гигиена талабларига риоя этилиши ҳамда хавфсизлик чораларига алоҳида эътибор қаратилди.

Бундай мулоқотлар – “Инсон кадри учун” тамойили асосида олиб борилаётган ислохотларнинг амалий ифодаси. Халқ билан бевосита мулоқот қилиш, муаммоларни жойида ўрганиш ва уларнинг ечими юзасидан аниқ чоралар белгилаш – парламент фаолиятининг устувор йўналишидир.

ДЕПУТАТЛАРИМИЗ АНДИЖОНЛИК ЁШЛАР ВА МАҲАЛЛА ФАОЛЛАРИ БИЛАН

Фракциямиз аъзолари Одилжон Иминов ва Анваржон Нурматовлар Андижон техника институтида ёшлар билан очиқ мулоқот ўтказишди.

Депутатлар юртимизда навқирон авлод вакилларига қаратилаётган эътибор, уларни қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик қилиш истагини билдирган ёки тадбиркорлик билан шуғулланаётган ёшлар учун яратилган имкониятлар, хусусан, “Келажакка бир қадам” лойиҳаси доирасида амалга оширилаётган тизимли ишлар ҳақида атрофлича сўз юритишди. Халқ вакиллари ёшларни фаолликка, ташаббускорликка ва ўз устида

тинимсиз ишлашга қақирди.

Шунингдек, депутатлар «Садоқат» ва «Бўстон» маҳаллаларида бўлиб, маҳалла еттилиги аъзолари билан суҳбатлашди. Маҳалла фаоллари ўзларининг кундалик фаолияти, одамларнинг кайфияти, учраётган муаммолар юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

САНОАТ КОРХОНАЛАРИ САЛОҲИЯТИ – ПАРЛАМЕНТ ЭЪТИБОРИДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциямиз аъзоси Иба Наризова Навоий эркин иқтисодий зонаси ҳудудида яратилган имкониятлар билан танишди.

Ўрганиш давомида ҳудудда фаолият юритаётган корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватлари, инвестиция лойиҳалари ҳамда янги иш ўринлари яратиш кўрсаткичлари таҳлил қилинди. Замонавий технологиялар асосида ташкил этилган ишлаб чиқариш жараёнлари ёш мутахассисларнинг касбий ўсиши учун муҳим омил экани қайд этилди.

Мулоқот жараёнида ёшлар бандлигини янада ошириш ва юқори малакали иш ўринлари яратиш, ишлаб чиқаришда “устоз-шоғирд” тизимини кучайтириш, ёш ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш дастурларини кенгайтириш, муносиб меҳнат шароитлари ва ижтимоий ҳимоя кафолатларини таъминлаш,

ёшларни тадбиркорликка жалб этиш ва стартап ташаббусларини қўллаб-қувватлаш каби устувор масалалар муҳокама қилиниб, мавжуд муаммоларни масъул идоралар билан ҳамкорликда тизимли ҳал этишга келишиб олинди.

ФАРҒОНАДА ИЖТИМОЙ СОҲА ВА БАНДЛИК МАСАЛАЛАРИ ЎРГАНИЛДИ

Фарғона вилоятида депутатлар – Д.Мамажанова, Ш.Аҳмедов, шунингдек, партиянинг вилоят кенгаши вакиллари иштирокида ҳудуддаги ижтимоий объектлар фаолияти ўрганилди.

Ўрганишлар давомида Фарғона перинатал марказида оналар ва чақалоқларга кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати, замонавий ускуналар, кадрлар салоҳияти таҳлил қилинди. Мавжуд муаммоларни бартараф этиш ва моддий-техник базани мустаҳкамлаш бўйича аниқ таклифлар илгари сурилди.

Шунингдек, вилоятдаги ногиронлиги бўлган шахсларга ихтисослаштирилган касб-хунар мактаби фаолияти кўздан кечирилди. Ногиронлиги бўлган ёшларни замонавий касбларга ўқитиш, уларнинг

кейинги бандлигини таъминлаш ва жамиятга интеграциясини кучайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Учрашувлар натижаларига кўра, ижтимоий муассасалар инфратузилмасини яхшилаш, аҳоли бандлигини ошириш ва янги иш ўринларини яратиш, ёшлар ва хотин-қизларни манзилли қўллаб-қувватлаш, аҳоли мурожаатлари билан ишлаш каби масалаларда парламент назоратини кучайтириш белгилаб олинди.


ФУҚАРОЛАРНИНГ ТАШАББУСЛАРИГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛДИ

Депутатимиз Қизилгул Қосимова Олмалиқ шаҳрида аҳоли билан учрашув ўтказди. Унда жумладан, “Опен бюджет” дастури доирасида аҳоли таклиф қилган объектлар рўйхати кўриб чиқилди. Мазкур дастур фуқароларнинг ҳаётий талаб ва ташаббусларига давлат томонидан эътибор қаратилишини таъминлайди. Учрашувда аҳоли учун муҳим масалалар муҳокама қилинди ва долзарб лойиҳалар юзасидан фикр алмашилди.

Бундай учрашувлар аҳоли ва давлат орасида ишонч муҳитини мустаҳкамлайди, фуқароларнинг ҳуқуқий билим ва фаоллигини оширади ҳамда маҳаллий даражада ижтимоий муаммоларни аниқ ва тезкор ечимга олиб келади. Фракциямиз аъзолари фаоллиги ҳар бир сайловчининг ҳаётий масалалари эътибор марказида эканини намоён этади.

Ўз муҳбиримиз.

КАСБИЙ ТАЪЛИМ



Сайёра ИМОМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎЗХДП фракцияси аъзоси.

Ҳозирги вақтда янги технологиялар, рақамлаштириш ва сунъий интеллект таъсирида иш ўринларининг сони, шакли ва мазмунини кескин ўзгармоқда. Яқин беш йилда дунёда мавжуд касбларнинг 30 фоизи тўлиқ автоматлаштирилади, 50 фоизи бўйича эса янги малакалар талаб қилинади.

Давлатимиз раҳбари 2025 йил 26 декабрда парламентга ва халқимизга йўллаган Мурожаатномасида белгиланган устувор вазифалардан бири – касбларни ривожлантириш ва янги меҳнат бозори архитектурасини яратишдир. Аччиқ ҳақиқат шундаки, яқин йилларгача ўзбекистонлик ёшларга қора ишчи сифатида қаралган ҳолатлар йўқ эмас эди. Айнан шунинг олдини олиш ва бизнинг фуқароларимиз жаҳон меҳнат бозорида рақобатбардош, талаб юқори бўлган замонавий касбларни мукамал эгаллашлари учун кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, касб-хунар техникумларига бугунги кун киёфасини ва янгича муҳит

КЕРАКЛИ КАСБ МЕҲНАТ ВА ҲУРМАТ УЧУН МУҲИМ

олиб кириш бўйича беш йиллик дастур тасдиқланди.

Энди мамлакатимизнинг меҳнат бозори мутлақо янги архитектура асосида – касб, малака, технология ва таълимни бирлаштирадиган ягона механизм сифатида ишлашига зарурат туғилди.

Мутахассисларнинг фикрича, болада бирор-бир касбга қизиқиш 7-синфдан бошланиб, қайси касбни танлаши 9-синфда тўлиқ маълум бўлади. Шу боис 9-синф битирувчиларини фанларни ўзлаштириши ва касбий қизиқишига қараб саралаб олиш тизими жорий қилинди.

Касбий таълимни сифат босқичига

олиб чиқиш учун эса Мурожаатномада таъкидланганидек, жорий йилдан бошлаб ҳар йили 100 тадан техникумни тўлиқ таъмирлаб, технологик ва талаб юқори бўлган касбларга мос ҳолда жиҳозлаш, Германия, Буюк Британия, Хитой, Корея каби давлатларнинг илғор таълим дастурлари бўйича кенг қўламли техникумлар сонини 100 тага етказиш кўзда тутилмоқда.

Бугун автомобилсозлик, “яшил” энергетика, қурилиш, транспорт, тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги, туризм, сервис, ИТ каби йўналишларда 70 мингга яқин ўқувчи “дуал таълим” асосида



ўқиб, ойига 10 миллион сўмгача маош олмақда. Шунингдек, 2026 йилдан бошлаб техникумларда таълим олаётган 100 минг ўқувчига илк бор стипендия тўланади, “аъло” баҳоларга ўқийтган, танлаган касбини пухта эгаллаётган фарзандларимизга эса оширилган миқдордаги стипендиялар берилади.

Айнан шундай касб-хунар техникумлардан бири Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туманидаги 3-сонли агротехникалар техникуми ҳисобланади. Бу техникумда юқорида санаб ўтилган барча касбларга ўқитилади ва таълим дуал шаклида ташкил қилинган.

2025 йил 27 ноябрдан 4 декабргача Россия Федерациясининг Санкт-Петербург шаҳрида профессионал таълим муассасалари ўртасида “Профессионаллар” чемпионати финали ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси профессионал таълим ташкилотлари орасида Беруний агротехнологиялар техникумидан устоз эксперт Адхам Тангирбергенов ва ўқувчи Нурсултон Рустамбоев чемпионатда металлларга ишлов бериш йўналишида муваффақиятли иштирок этди. 41 та давлат вакиллари ўртасида 27 та компетенция бўйича кечган беллашув финалида берилган ўрта амалий топшириқни мукамал бажарган Нурсултон Рустамбоев фахрли 2-ўринни қўлга киритди ва халқаро дипломга эга бўлди.

Бу ўз ўрнида касбий таълимда бошланган ислохотларнинг амалий натижаси ва улкан ютуқларнинг бошланиши, десак бўлади. Демак, имконият, тўғри йўналиш ва оқилона сиёсат орқали ёшларимиз улкан марраларга эришадилар.

Фарзандларимиз томирида улуг инсонлар қони оқмоқда, шундай экан, биз уларга шарт-шароит яратиб, ўз ўрнида рағбатлантириб борсак, албатта, кўзлаган мақсадларимиз амалга ошади. Нурсултонга ўхшаган минглаб ўғил-қизларимиз маҳаллалар равнақи, мамлакат иқтисодий юксалишига ҳисса қўшишига, дунёда муносиб ўрин ва ҳурматга сазовор бўлишига ишончимиз комил.

Мунозара майдони: ЯШИРИН МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ОҚИБАТЛАРИ

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Масалан, усталар, лицензиясиз такси хизмати, дўконда ёрдамчи сифатида ишловчилар ёки уйда тикувчилик қиладиганлар, сабзавот ва меваларни расмий рухсатномасиз сотадиганлар кўп ҳолларда шартнома тузмасдан ишлайди. Уларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатланмаган бўлади. Ишчи на пенсияга ҳақ тўплайди, на меҳнат стажи йиғилади. Бир кун касал бўлиб қолса ёки бахтсиз ҳодиса юз берса, ҳеч ким унга ёрдам бермайди. Ҳатто иш ҳақи тўланмаса ҳам, шикоят қилишга асос бўладиган ҳужжат йўқ.

Бу қайсидир маънода жамият учун хавфли “ёпиқ айланма” ҳисобланади. Бу тизим иш берувчига ҳам, ишчига ҳам фойда бермайди — фақат ҳуқуқсизлик ва беқарорликни кучайтиради. Шунинг учун ишни расмийлаштириш — нафақат ҳуқуқ, балки фуқароларни масъулияти ҳамдир.

Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Халқ демократик партияси “Мунозара майдони” клубининг навбатдаги сайёр сессияси жамиятимиз учун долзарб ва муҳим масалалардан бири — хусусий секторда меҳнат қилаётган ишчиларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, норасмий бандлик ва “конверт маошлар” амалиётига қарши курашиш, шунингдек, иш берувчиларнинг ижтимоий масъулиятини ошириш мавзусига бағишланди.

Таъкидландики, айни пайтда иқтисодий фаол аҳолининг салмоқли қисми хусусий секторда меҳнат қилмоқда. Давлат томонидан меҳнат бозорини тартибга солиш, иш ўринларини легаллаштириш, фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга қаратилган кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бироқ айрим соҳаларда, хусусан, қурилиш, савдо ва хизмат кўрсатиш тармоқларида меҳнат шартномасисиз ишлаш ҳолатлари ҳамон сақланиб қолмоқда.

Норасмий бандлик ва “конверт маошлар” амалиёти, биринчи навбатда, ишчиларнинг ўзи учун салбий оқибатларга олиб келади. Бундай ҳолатларда фуқаролар пенсия таъминоти, ижтимоий сугурта, меҳнат стажи ва меҳнат муҳофазаси кафолатларидан маҳрум бўлиб қолмоқда. Шу билан бирга, давлат бюджети ва ижтимоий жамғармаларга тушумларнинг камайишига, меҳнат бозорида ноқонуний ва адолатсиз рақобат муҳитининг шаклланишига ҳам сабаб бўлади.

Мазкур масаланинг яна бир муҳим жиҳати, иш берувчиларнинг ижтимоий масъулияти билан боғлиқ. Айрим йирик корхоналарда меҳнат хавфсизлиги, ижтимоий кафолатлар ва корпоратив ижтимоий масъулият

тамоийллари изчил жорий этилмоқда. Бироқ кичик бизнес субъектларида бу йўналиш кўп ҳолларда етарли даражада шаклланмаган. Ижтимоий масъулиятнинг асосан ихтиёрий тусда қолиб кетиши эса ягона ва барқарор стандартларни жорий этишга тўсқинлик қилмоқда.

Шу жиҳатдан пресс-клубдан кўзланган асосий мақсад — мазкур муаммоларни очиқ муҳокама қилиш, соҳадаги мавжуд камчиликларни таҳлил этиш ҳамда уларни бартараф этиш бўйича таклиф ва ташаббусларни ишлаб чиқишдан иборат, дейишди сўзга чиққан партия фаоллари.

Сессия спикерлари кун тартибдаги масаланинг долзарблигини очиб беришди.

Шокиржон АҲМЕДОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:



– Бугунги муҳокамамиз мавзуси — нафақат иқтисодий, балки жамиятимиздаги энг оғриқли ижтимоий масалалардан биридир. Биз кўпинча “яширин иқтисодиёт” ҳақида гапирганда, фақат тўланмаган солиқларни тасаввур қиламиз. Лекин бу муаммонинг ортида миллионлаб ватандошларимизнинг келажаги, уларнинг ижтимоий ҳимояси ва инсон қадри масаласи ётибди.

Хусусан, Тошкент шаҳри мисолида келтирилган рақамлар муаммонинг кўлами ниҳоятда катта эканини кўрсатмоқда. Маълумотларга кўра, пойтахтда яширин иқтисодиёт ҳажми 60 триллион сўмга етган. Бу эса давлат бюджети ҳар йили қарийб 7,5 триллион сўм маблағни йўқотаётганини англатади. Ушбу маблағлар халқимиз учун пенсия, нафақа, таълим ва тиббиётга йўналтирилиши мумкин эди.

Давлат раҳбари томонидан “Чорсу” бозори ҳамда “Малика” савдо мажмуасидаги ҳолат танқид қилингани ҳам бу муаммонинг нақадар долзарб эканини кўрсатади. Масалан, 1,5 мингга яқин тадбиркор фаолият юритадиган мазкур мажмуада уларнинг атиги тўртдан бири рўйхатдан ўтгани, тадбиркорларнинг 25 фоизи ойига 1 миллион сўм ҳам солиқ тўламаётгани, пластик карталар орқали амалга оширилган 600 миллиард сўмлик савдо тушуми яширилгани жуда жиддий сигналдир.

Юқоридаги ҳолатлар норасмий бандлик ва “конверт маошлар” муаммоси яширин иқтисодиёт билан чамбарчас боғлиқ эканини кўрсатади. Энг хавфлиси, бу жараён иқтисодий кўрсаткичларгина эмас, балки инсон ҳуқуқлари ва ижтимоий адолат масалаларига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда.

Яширин иқтисодиётнинг бундай салбий оқибатлари давлат бюджети даромадларининг ошишига тўсқинлик қилмоқда. Бунинг оқибатида жойларда ижтимоий масалаларни самарали ҳал қилиш имкониятлари чекланмоқда. Партиямиз яширин иқтисодиётга қарши чоралар кўришга мутасадди бўлган вазирлик-идораларнинг масъулиятини ошириш, натижадорликка алоҳида эътибор қаратиш зарур, деб ҳисоблайди.

Норасмий бандликнинг энг ачинарли оқибати — меҳнат ҳуқуқининг таъминланмаслиги, меҳнат муҳофазаси талабларининг бажарилмаслигидир. Бу айниқса, қурилиш соҳасига тегишли. 2025 йил 29 августда Савдо-саноат палатаси томонидан қурилиш соҳаси вакиллари билан ташкил этилган очиқ мулоқотда норасмий бандлик ва иш ҳақини “конвертда тўлаш” орқали солиқдан қочишга уриниш сабабли 6,3 мингта объект ҳисоботларида уларнинг 0 ёки 1 нафар ишчи билан қуриб битказилгани кўрсатилган.

Катта қурилишларни албатта, санокли ишчи-ходимлар билан амалга ошириб бўлмайди. Халқ демократик партияси бу масалада мутасадди вазирлик-идоралар қонунлар ижросини таъминлаши зарур, деб ҳисоблайди.

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг хабар беришича, 2024 йили қурилиш соҳасида 204 та бахтсиз ҳодиса қайд этилган бўлиб, улар оқибатида 71 нафар ишчи ҳалок бўлган. 2025 йилда эса бахтсиз ҳодисалар 234 тага, ҳалок бўлганлар сони 99 нафарга етган.

Демак, қурилишда меҳнат шартномасисиз ишлаётган фуқароларимиз бахтсиз ҳодиса туфайли вафот этганда ёки жароҳат олганда уларнинг оилалари ижтимоий ҳимоясиз қолаётганини кўрсатмоқда. Чунки меҳнат шартномаси бўлмаган ҳолда на тоvon пули, на боқувчисини йўқотганлик нафақаси тайинланади. Бу эса нафақат меҳнат қонунчилигига, балки инсон қадрини ҳимоя қилиш тамойилларига ҳам мутлақо зиддир.

Бу бир йўналишдаги масала. Ваҳоланки, одамлар норасмий тарзда меҳнат қилаётган соҳалар талайгина. Норасмий бандликнинг салбий жиҳатлари ҳақида узоқ гапириш мумкин.

Шунинг учун, партиямиз ҳалол тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, яширин иқтисодиёт ва ноқонуний рақобатга қарши таъсирчан механизмларни жорий этиш тарафдоридир.

Биз ишонамизки, меҳнат муносабатларида қонунийлик, адолат ва ижтимоий ҳимоя устувор бўлган жамиятгина барқарор тараққиётга эриша олади. Бу йўлда парламент, давлат органлари, тадбиркорлар, касба уюшмалари ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамжиҳатликда ҳаракат қилиши лозим.

Халқ демократик партияси бундан буён ҳам фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ижтимоий адолатни таъминлаш йўлида изчил фаолият олиб боради.

Жаҳонгир ҚУНҒИРАТОВ, Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги Давлат меҳнат инспекцияси масъул ходими:



– Норасмий бандлик бир қарашда жозибали кўриниши мумкин, лекин бу келажак учун ҳуқуқий кафолат бермайди. Шунинг учун вазирлигимиз томонидан норасмий бандликни қисқартириш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Масалан, норасмий бандлик учун жавобгарлик масаласини олайлик. Бугунги кунда бу масала Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 49-моддасига асосан тартибга солинган. Яъни бу умумий меҳнат қонунчилигини бузиш билан тавсифланади. Бу қонун бузилишининг жавобгарлик даражаси паст, яъни содир этилган ҳуқуқбузарликка нисбатан кам бўлганлиги учун бугунги кунда тегишли қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Биринчи маротаба норасмий бандликка йўл қўйган ҳуқуқбузарларга нисбатан базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 баробар миқдорда, тақроран содир этганда 100 баробаригача миқдорда жарима белгиланмоқда.

Бундан ташқари, мунтазам равишда назорат тадбирлари ўтказамиз. Ушбу тадбирлар давомида фуқароларнинг белгиланган тартибда расмий бандлиги таъминланади.

2025 йилда 18 мингта корхонада хатловлар ўтказилди. Шундан 469 минг нафар ходимлар расмий ишлаётган бўлса, 88 685 нафар норасмий ишлаётганлар аниқланди ва расмийлаштирилди.

Вазирлик давлат меҳнат инспекцияси томонидан шунингдек, умумий овқатланиш ва қурилиш соҳаларида ҳам текширувлар ўтказилди. Масалан, ўтган йил охирида 10 та шахобчадаги назорат-тадбирлари давомида 77 та норасмий иш ўринлари расмийлаштирилди. 98 та қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди. Қурилиш корхоналарида эса 841 та норасмий иш ўринлари расмийлаштирилди. 404 та қонунбузилиши ҳолатлари борлиги маълум бўлди.

Санжар ҒОЙИПНАЗАРОВ, Тошкент давлат иқтисодиёт университети Меҳнат иқтисодиёти кафедраси мудири, иқтисодиёт фанлари доктори (DSc), профессор:



– Албатта, ривожланишнинг ҳозирги босқичида ижтимоий ҳимоя масаласи муҳим аҳамиятга эга. Яъни фуқароларнинг меҳнат муносабатларидаги ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя масаласи долзарб масаладир. Бу ерда иш берувчининг ижтимоий масъулияти ўз-ўзидан юзага чиқади. Хўш, бу нима? Бу фақат фойда олиш, яъни

манфаат кўриш учун эмас. Бу шу жараёнда иштирок этаётган бошқа томонларнинг ҳам ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишдир.

Шу жиҳатдан ижтимоий масъулиятнинг асосий йўналиши энг аввало, мўносиб меҳнатдир. Биламизки, Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан Мўносиб меҳнат концепцияси жорий этилган. Мўносиб меҳнат дегани, бу – иш берувчи томонидан хавфсиз, ходимнинг соғлигига зарар етмайдиган меҳнат шaroитлари яратиб берилишидир. Бу Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунда ҳам келтириб ўтилган.

Аммо шунга қарамай бугун айрим хусусий секторда бу масалага жиддий қаралмайди. Сабаби, бу ерда кўп омиллар бор. Масалан, молиявий маблағ етишмаслиги ёки соҳани яхши тушунмаслиги натижасида бундай муаммолар келиб чиқмоқда. Айрим ташкилотларда ходимларнинг ижтимоий ҳимояси масаласига ҳаражат сифатида қаралади.

Аммо жаҳон амалиётида, ана шундай ижтимоий масъулият учун қилинадиган ҳаражатларга инвестиция сифатида ёндашилади. Яъни бунинг ҳозирги ҳолати ҳаражат сифатида кўрилиши мумкин, лекин кейинги 10-15 йилдаги натижаси катта инвестициявий қайтим бўлади, деб ҳисоблашади.

Шундай қилиб, ижтимоий масъулият қонунчилик талабларига риоя қилиш, ходимларнинг ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, малакасини ошириш ва ижтимоий шериклик асосида ўзаро манфаатли муносабатларни мувофиқлаштириш орқали амалга оширилади.

Аммо иш берувчилар ижтимоий масъулиятини амалиётга таъбиқ этишда бир қатор муаммолар бор. Масалан, айрим иш берувчилар ижтимоий масъулият моҳиятини тўлиқ англамайди. Меҳнат муҳофазаси, иш вақти режими, таътил ва иш ҳақи билан боғлиқ нормалар амалда тўлиқ бажарилмасдан, фақат ҳужжатларда акс этиш ҳолатлари учрайди. Шунингдек, айрим иш жойларида ишлаб чиқаришдаги хавфлар баҳоланмайди ёки профилактик тадбирлар етарли даражада ўтказилмайди. Умуман, бу борада муаммолар талайгина.

Норасмий меҳнат бозори кўп ҳолларда солиқ тушумларининг камайиши, ишчи кучининг ҳуқуқий кафолатлардан маҳрум бўлиши ҳамда расмий меҳнат статистикасининг аниқ эмаслигига олиб келмоқда. Шу боис, бу масалани чуқур таҳлил қилиш, унинг кўламини аниқ белгилаш ва норасмий меҳнатни қисқартириш бўйича самарали механизмлар ишлаб чиқиш бугунги кунда давлат ва соҳавий мутахассислар олдидаги энг долзарб вазифалардан биридир.

Мунозара майдонида қизгин баҳслар бўлди, ўринли таклифлар айтилди. Мутасадди ташкилотлар вакиллари, экспертлар ва депутатларнинг фикрлари, савол-жавобларни тўлиқ баён этиш учун эса бир саҳифанинг ўзи камлик қилади. Энг муҳими, партия фаоллари, депутатлар қатъий туриб сайловчилар, электротар манфаатларини ҳимоя қилишди, эътирозларини билдиришди, таклифларини айтишди.

Мутахассислар томонидан таъкидланганидек, меҳнат муносабатларини расмийлаштириш нафақат ишчиларнинг ижтимоий кафолатларини таъминлайди, балки иқтисодиётда шаффофликни ошириш, давлат бюджети тушумларини кўпайтириш ва адолатли рақобат муҳитини шакллантиришга хизмат қилади.

Шунингдек, мазкур йўналишда парламент назоратини кучайтириш, меҳнат қонунчилигини такомиллаштириш, давлат назорат органлари фаолиятини янада самарали ташкил этиш, касба уюшмалари институти ролини кучайтириш ҳамда иш берувчилар ўртасида ижтимоий масъулият маданиятини шакллантириш муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Муаммолар, таклифлар умумлаштирилиб, партия фракциясига тақдим этилди.

Лазиза ШЕРОВА, “Ўзбекистон овози” мухбири.



Янги Ўзбекистон хотин-қизлари – оила ва

ҚАДРИНГ БАЛАНД ЮРТИМДА АЁЛ!



Зулайҳо МАХКАМОВА,
Ўзбекистон Республикаси
Бош вазири ўринбосари -
Оила ва хотин-қизлар
қўмитаси раиси.

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон азалдан аёлни эъзозлаган, уни ҳурмат ва эҳтиром билан ардоқлаган юрт сифатида танилган. Аёлга ҳурмат, эҳтиром кўрсатиш нафақат қон-қонимизга сингиб кетган эзгу қадрият, балки давлат сиёсатининг муҳим йўналишига айланган. Бугун Янги Ўзбекистонда ҳам хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий фаоллигини кенгайтириш бўйича олиб борилаётган эзгу ишларни ҳаммамиз ўз ҳаётимиз, турмуш тарзимиз мисолида кўриб, гувоҳи бўлиб турибмиз.

Бугун юртимизда аёлларни қадрлаш, хотин-қизларга ўз салоҳиятини эркин рўёбга чиқариши учун барча шарт-шароит яратилган деб, баралла айта оламиз. Буни мамлакатимиз сиёсий майдонида аёлларнинг улушида ҳам кўришимиз мумкин. Энди аёллар сиёсий майдонда нафақат фаол иштирокчи, балки етакчи сифатида ҳам ўзларини намоён қилмоқда. Аёллар сиёсий паритет индекси бўйича Ўзбекистон 2025 йил ҳолатига кўра, Қонунчилик палатасида аёллар улуши 38 фоизга етиб, Марказий Осиёда энг юқори кўрсаткич билан пешқадамлик қилмоқда.

2030 йилга қадар амалга оширилиши белгиланган 66 та банддан иборат Ўзбекистоннинг гендер тенглик стратегияси қоғоздаги ҳужжат бўлиб қолмади. 2025 йилда бу йўналишда амалий қадамлар ташланди, қарорлар қабул қилинди, тизим ҳаракатга келди.

Йил давомида гендер тенглигини таъминлашга қаратилган 16 та муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди. Улар орасида 2 та қонун, Президентнинг 2 та фармони ва 3 та қарори, шунингдек, ҳукуматнинг 9 та қарори бор. Бу ҳужжатлар орқали тенг ҳуқуқ ва имкониятлар масаласи янада мустаҳкам ҳуқуқий асосга эга бўлди.

Жумладан, “Давлат ижтимоий сугўртаси тўғрисида”ги қонунга мувофиқ, 2026 йил 1 январдан бошлаб ҳомиладорлик ва туғиш нафақалари Давлат ижтимоий сугўртаси ҳисобидан тўланадиган бўлиб қўйилди. Бу — аёлни нафақат она сифатида қадрлаш, балки унинг меҳнат ҳуқуқини давлат қафолати билан ҳимоя қилиш демакдир.

Халқаро мажбуриятлар масаласи ҳам янги босқичга кўтарилди. International Labour Organizationнинг 142-сонли (“Инсон ресурсларини ривожлантиришда касбга йўналтириш ва касбий таълим тўғрисида”) ҳамда 149-сонли (“Ҳамшираларнинг бандлиги, меҳнат шароитлари ва ҳаёти тўғрисида”) конвенцияларини ратификация қилиш имкониятлари чуқур ўрганилди. Айрим талаблар миллий қонунчиликка тўлиқ имплементация қилинмагани сабабли, бу жараёни босқичма-босқич амалга ошириш белгиланди. Бу ёндашув пухта ва масъулиятли сиёсат намунасидир.

Меҳнат шароитларини яхшилаш масаласи ҳам устувор вазифага айланди. “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуннинг янги таҳрири ишлаб чиқилди. Унинг мақсади — иш жойларида хавфсиз ва гигиеник талабларга жавоб берадиган шароитларни таъминлаш, айниқса, хотин-қизлар меҳнатини ишончли ҳимоя қилишдир.

Қонунлар фақат қабул қилинибгина қолмапти — таҳлил қилинмоқда, тақомиллаштирилмоқда, халқаро тажриба билан бойитилмоқда. Жумладан, хотин-қизлар ва эркаклар ўртасида иш ҳақи тафовутини қисқартириш, компанияларнинг гендер рейтинг тизимини жорий этиш, бошқарувда аёллар улушини ошириш масалалари

юзасидан Европанинг илғор мамлакатлари — Франция, Германия ва Нидерландия тажрибаси ўрганилди. Энг мақбул тажриба ва механизмларни миллий амалиётга татбиқ этиш масаласи кўриб чиқилмоқда.

Шу билан бирга, молиявий соҳада ҳам аёллар салоҳияти ортиб бормоқда. Жаҳон банкининг Global Findex 2025 йил ҳисоботида кўра, 2011 йилдан 2024 йилгача молиявий ҳисоб рақамига эга бўлган аёллар улуши 23 фоиздан 60 фоизга ошди. Бу — аёлларнинг иқтисодий мустақиллиги ва ресурсларга кириш имконияти юқори даражага чиққани,

баллдан) билан баҳоланди. Бу кўрсаткич: Глобал ўртача кўрсаткичдан (66,9) қарийб 15 баллга; Европа ва Марказий Осиё минтақаси ўртача кўрсаткичидан (80,6) эса 1,5 баллга юқоридир.

Ҳисоботда мамлакатимизда амалга оширилган қатор тизимли ислохотлар ижобий баҳоланди.

Жумладан, давлат харидлари тизимида гендерга йўналтирилган қоидалар жорий этилди, қонунчиликка аёллар тадбиркорлигини рағбатлантирувчи нормалар киритилди, шунингдек, ижтимоий ҳимоя ва меҳнат соҳасидаги айрим чекловлар қайта кўриб чиқилди.



уларнинг тадбиркорлик ва инвестиция имкониятлари кенгайганини англатади.

Ҳақиқатда, аёллар сиёсий ва молиявий соҳада тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятга эга бўлганда, жамиятнинг барқарорлиги ва иқтисодий ривожини ҳам мустаҳкамланади. Бу — гендер тенглиги сари қўйилаётган изчил қадамларнинг яққол натижасидир.

Шунингдек, февраль ойида Жаҳон банки янгиланган методологиясига асосланган “Аёл, бизнес ва қонун” индексининг 2026 йилги ҳисобот натижаларига кўра, Ўзбекистон ўз позициясини 43 поғонага яхшилаб, 100 дан 82,1 балл билан 190 та давлат орасида 48-ўринни эгаллади.

Таъкидлаш жоизки, “Аёл, бизнес ва қонун” индексининг янгиланган методологияси фақат қонунчилик таҳлили билан чекланиб қолмай, ҳуқуқий нормалар ижросини таъминловчи механизмларни ҳам қамраб олди.

Шу билан бирга, экспертлар томонидан қонунларнинг аёллар ҳаётидаги амалий ифодаси ва кўрилаётган чора-тадбирлар самарадорлигига ҳам баҳо берилди.

Ўзбекистоннинг гендер тенглигига оид қонунчилиги 82,1 балл (максимал 100

Ҳисоботда алоҳида қайд этилишича, Ўзбекистон Европа ва Марказий Осиё минтақасида давлат харидларида гендер омиллини ҳисобга олувчи қонунчиликка эга бўлган санокли (жами 3 та) давлатдан бири ҳисобланади.

Шунингдек, сўнгги йилларда тадбиркорлик соҳасида гендер тенглигини таъминловчи янги ислохотларни амалга оширган давлат сифатида эътироф этилди.

Мамлакатимизда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш борасидаги давлат сиёсатининг яна бир ўзига хос жиҳати шундаки, унинг стратегик йўналишлари Президентимиз томонидан белгилаб берилган ва у мустаҳкам бир тамойилга таянади: “Бирорта хотин-қиз давлат ва жамият эътиборидан четда қолмайди.” Айнан мана шу қатъий позиция туфайли хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизими, комплекс ва кенг қамровли тарзда йўлга қўйилди. Қабул қилинаётган дастур ва лойиҳалар қоғозда қолиб кетмапти — уларнинг натижаси қисқа фурсат ичида аёлларимизнинг кундалик ҳаётида акс этмоқда.

Бу ўзгаришлар аввало, таълимда, бандликда, тадбиркорликда, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳимоя соҳаларида намоён бўлмоқда.

Хусусан, 2025-2026 ўқув йилида жами 250 минг нафар хотин-қизларни олий таълимга қамраб олиш режалаштирилган бўлса-да, амалда 255 402 нафар хотин-қизлар талабаликка қабул қилинди.

Шу ўринда алоҳида таъдилаш лозимки, эҳтиёжманд хотин-қизларни олий таълимга қамраб олиш борасида ҳам улкан ишлар амалга оширилмоқда. Ўтган йили олий маълумотга эга бўлмаган эҳтиёжманд хотин-қизларга ажратилган грант квота 2000 тадан 4000 тага, яъни икки баробар оширилди. Беш йил иш стажига эга, лекин олий маълумотга эга бўлмаган хотин-қизлар контракт квотаси 500 тадан 2500 тага кўпайди. Эҳтиёжманд оилаларнинг аъзолари учун олий таълим олиш имкониятининг яратилаётгани ижтимоий адолат амалда таъминланаётганини англатади.

Буни бугунги кунда илмий-тадқиқот ишларини олиб бораётганларнинг 42 фоизини хотин-қизлар ташкил этишида ҳам кўришимиз мумкин. Хусусан, фан докторларининг 26,5 фоизи, фалсафа доктори, фан номзодларининг 40,1 фоизи аёллардир.

Аёлларнинг ҳар жабҳада ўзини кўрсатиши натижасида аҳолининг иқтисодий фаол қатламида ҳам улуши ортиб бормоқда. Масалан, хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш мақсадида 2025 йилда 427 минг нафар хотин-қизларга жами 23 триллион 360 миллиард сўм кредит ажратилди. Ҳозирда мамлакатимиздаги иқтисодий фаол аҳоли сони 15,6 миллион нафар

бўлса, шундан 7,7 миллион нафарини аёллар ташкил этади.

Оила — жамиятнинг энг нозик, аини пайтда энг мустаҳкам устунидир. Шу боис мамлакатимизда оилавий муносабатларни ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мамлакат тараққиётининг 2030 йилгача мўлжалланган устувор йўналишлари доирасида ислохотларни изчил давом эттириш ва янги босқичга олиб чиқишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида оилани мустаҳкамлаш масалалари устувор вазифа сифатида белгиланган.

Хусусан, “Ўзбекистон-2030” стратегиясидаги 25-мақсад ҳам хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга қаратилган бўлса, мазкур мақсадни оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш мақсади сифатида ўзгартириш киритилгани ҳам оиланинг жамият ҳаётидаги ўрни янада юксалганининг белгисидир.

Янги мақсадлар қаторида: Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш бўйича ўқув курсларига жалб этишни жорий йилда 50 фоизга ошириш ва 2030 йилга қадар 80 фозини қамраб олиш;

Оила ва хотин-қизлар масканларида кўрсатиладиган хизматларни 40 фоиздан 60 фоизга кўтариш;

Хотин-қизларнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтириш, рақамли саводхонликни ошириш, манзилли қўллаб-қувватлаш орқали хотин-қизларни эҳтиёжмандликдан чиқариш каби 11 та мақсадли кўрсаткичлар билан боғлиқ вазифалар белгилаб берилди.

2025 йилда оилавий низоларни ҳал этишда янги ҳуқуқий механизмлар жорий этилди. Самарқанд ва Чирчиқ шаҳарлари, шунингдек, Наманган, Мирзо Улўбек ва Қарши туманлараро судларида “Оила судьялари” корпуси фаолият бошлади. Уларнинг ваколатига 42 тоифадаги ишлар бириктирилди.

Қисқа муддат ичида мазкур ихтисослашган судьялар томонидан 26 904 та иш кўриб чиқилди. Бу — оила судлари томонидан кўрилган жами 322 128 та фуқаролик ишининг 8,3 фоизини ташкил этади. Аммо рақамдан ҳам муҳимроғи — натижадир.

Оила судьялари фаолият юритаётган ҳудудларда яраштирилган оилалар сони 140 фоизга ошди. Демак, суд залидан ажрим эмас, ярашув билан чиққан оилалар кўпайди. Энг муҳими, фуқароларнинг ортиқча сарсонгарчилиги, оворагарчилиги ва руҳий изтиробларининг олди олинди.

Оилани жамиятнинг стратегик ижтимоий институти сифатида мустаҳкамлаш мақсадида “Оила фаровонлиги – 2030” миллий дастури ишлаб чиқилди. Унда давлат сиёсатининг истиқболли йўналишлари, оила барқарорлигини таъминлаш механизмлари ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш чоралари белгилаб берилган.

Шунингдек, оилалар ва хотин-қизларга яхлит хизмат кўрсатиш мақсадида янги ёндашувлар асосида 205 та туманда Оила ва хотин-қизлар масканлари ташкил этилди. Ушбу масканлар орқали 300 мингдан ортиқ маслаҳат хизмати кўрсатилди. Бу — ҳар бир муносабат ортида бир оила тақдирини, бир инсоннинг умиди борлигини англаган ҳолда амалга оширилган ишдир.

Бугун оилани сақлаш, уни мустаҳкамлаш ва низоларни адолатли ҳал этиш бўйича яратилган тизим фақат ҳуқуқий чора эмас. Бу — оила қадрини улуғлаш, жамият барқарорлигини таъминлаш ва келажақ авлодга мустаҳкам пойдевор яратиш демакдир.

Хотин-қизлар ҳимояси — бу фақат ҳуқуқий масъулият эмас, балки жамиятнинг барқарорлиги, иқтисодийётнинг ривожини ва келажақ авлоднинг фаровонлиги учун муҳим мезондир. Қудратли давлат — бу аёлларга эътибор ва имконият берган давлат, уларнинг таълими, соғлиғи ва ҳуқуқларини қафолатлаган жамиятдир.

Бугунги сиёсат хотин-қизларни фақат ҳимоя қилишга эмас, балки уларнинг салоҳиятини рўёбга чиқаришга қаратилган. Аслида аёл — жамиятнинг ярми эмас, унинг таянчидир. Аёл қадр топган жойда оила мустаҳкам бўлади, оила мустаҳкам бўлган жойда эса жамият барқарор ривожланади.

Жамият таянчи, тараққиёт тимсоли

Эъзоз ва эътибор

катта ютуқлар сари чорлайди



Ирина ТОКАРЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси.

Аёл – нафақат оиланинг таянчи, балки жамиятнинг ҳам беағи ва ифтихоридир. Қайси соҳада фаолият юритмасин, аёл бор жойда меҳр-муҳаббат ва нафосат ҳукм суради. У ўз ишига қалб ҳароратини қўшади, таълим-тарбия жараёнига самимийлик ва юксак масъулият билан ёндашади. Шунинг учун аёл бор жойда бахт ва барокат нафаси сезилиб туради.

Шу маънода Халқаро хотин-қизлар куни нафақат баҳор ва гўзаллик рамзи, балки бу аёлга, унинг меҳнати, истеъдоди, донолиги ва жамият ривожига қўшган улкан ҳиссасига чуқур ҳурмат-эҳтиром кунидир.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда хотин-қизларни қўллаб-қувватлашнинг яхлит

ва самарали тизими шакллантирилди. Бу тизим аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг таълим олиши, касб-хунар эгаллаши, тадбиркорлик билан шуғулланиши, бандлигини таъминлаш ҳамда ижтимоий фаоллигини оширишга қаратилган аниқ механизмларни ўз ичига олди.

Айниқса, хотин-қизларнинг жамият ва давлат бошқарувидаги иштирокини кенгайтириш, гендер тенгликни таъминлаш, эҳтиёжманд аёлларни ижтимоий ҳимоя қилиш, ёш қизларнинг орзу-интилишларини рўёбга чиқариш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Қонунчилик базаси мустаҳкамланиб, аёлларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш, улар учун хавфсиз ва мўносиб меҳнат шaroитларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Энг муҳими, бу саъй-ҳаракатлар натижасида аёлларнинг ўз куч ва салоҳиятига бўлган ишончи ортиб, улар турли соҳаларда — илм-фан, тиббиёт, таълим, тадбиркорлик ва бошқа йўналишларда катта ютуқларга эришмоқда. Бу эса жамият тараққиёти ва оила фаровонлигининг муҳим омилига айланмоқда.

Эътиборли жиҳати шундаки, мамлакатимиз сиёсий майдонида аёлларнинг фаол иштироки яққол кўзга ташланади. Сиёсий партияларда уларнинг улуши 49 фоизни ташкил этиши — қарор қабул қилиш жараёнларида аёллар

овози тобора салмоқли бўлаётганини англатади. Бу эса жамиятда гендер мувозанати таъминланаётганининг муҳим кўрсаткичидир.

Хотин-қизларга субсидиялар, имтиёзли кредитлар, ўз бизнесини бошлаши учун грантлар ажратилмоқда. Тадбиркорликка кўмаклашиш марказлари, касб-хунарга ўқитиш ва қайта тайёрлаш дастурлари йўлга қўйилди. Натижада иш ўринлари яратиб, иқтисодиётга ҳисса қўшаётган мўваффақиятли тадбиркор аёллар сони ортиб бормоқда.

Тадбиркорлик соҳасида 45 фоизлик улуш аёлларнинг иқтисодий мустақиллиги ортиб, улар янги иш ўринлари яратиш, инновацион ғояларни амалга оширишда фаол иштирок этаётганини кўрсатади. Олий таълимда 54 фоизга етган кўрсаткич эса келажакда юқори малакали мутахассис аёллар сони янада ортишини англатади. Айниқса, STEAM йўналишида 38 фоизлик натижа аёлларнинг илмий-техник соҳаларда ҳам фаол қадам ташлаётганидан далолат беради.

Ушбу рақамлардан хулоса шуки, аёлларимиз бугун жамият ҳаётининг деярли барча жабҳаларида фаол ва таъсирчан кучга айланган. Улар нафақат иштирок этмоқда, балки тараққиёт суръатларини белгилашда ҳам муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Бу эса юртимизда аёлларга яратилган имкониятлар ўз самарасини бераётганини кўрсатади.


Сўнгги пайтларда халқ вакили сифатида хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, камситишларнинг олдини олиш ва тенг имкониятлар яратишга қаратилган қатор қонунчилик ташаббусларини қабул қилдик. Бандлик, хотин-қизлар тадбиркорлигини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш дастурлари ижроси устидан парламент назорати кучайтирилди.

Сайловчилар билан учрашувларда шуни кўп кузатаманки, бугун жамиятимизда аёлларнинг ўзига ишончи ниҳоятда юқори. Қўрқмасдан ўз ишини бошлаётган, раҳбар бўлиб, жамоат ишларида фаол иштирок этаётган хотин-қизлар сафи кундан-кунга кенгаймоқда. Бу албатта, яратилаётган имконият, берилаётган имтиёз ва эътиборнинг натижаси, деб биламан.

Ишончимиз комилки, хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва нуфузини мустаҳкамлашга қаратилган саъй-ҳаракатлар изчил ва қатъий билан давом эттирилади. Ўзбекистонда вояга етаётган ҳар бир қиз ўз орзулари осмон қадар кенг эканини, унинг истеъдоди ва билими жамият учун қадрли эканини ҳис қилиб улғаяди. У ўз олдига қўйган мақсадларига эришиш мумкинлигини, меҳнати ва ҳаракати албатта, самара беришини англайди. Энг муҳими, у ўз келажаги, ҳуқуқ ва манфаатлари давлат томонидан ишончли ҳимоя қилинишини билиб, дадил қадам ташлайди.

Чунки орзуси қўллаб-қувватланган, истеъдоди рағбатлантирилган, ҳуқуқи ҳимоя қилинган қиз — эртанги куннинг кучли, билимли ва фидойи аёлидир. Ана шундай авлод камол топган жамиятнинг келажаги эса, шубҳасиз, ёруғ ва барқарор бўлади.

Илм чўққисига интилган қизлар



Жамиятимизда қиз болага оиланинг зийнати, шаъни, меҳрга, ғамхўрликка муҳтож қимматли гавҳари сифатида қаралади. Кўп ҳолларда эса қиз болани ўз туғилган хонадонда меҳмондек кўриб, гулдек асраб-авайлаб, бўлғуси келинликка, бекаликка, оналикка тайёрлаш тутумлари ҳамон момомерос бўлиб келмоқда.

Қувонарлиси, юртимизда айни чоғда қизларнинг таълимига алоҳида урғу берилмоқдаки, бунинг натижаси ўлароқ “Қиз бола – бировнинг ҳасми, унинг ўрни фақат оилада”, “Қиз бола ўқиб, дунё олиб бермайди”... сингари бирёқлама стереотиплар аста-секин барҳам топиб борапти. Қиз фарзандининг замонавий илм-фанларни, хорижий тилларни ўрганиши учун, олий таълим олиши учун ҳар томонлама тиргак бўлаётган ота-оналар сони оз эмас!

Расмий статистикага кўра, ҳозирги кунда “Эл-юрт умиди” жамғармаси орқали нуфузли хорижий университетларда таҳсил олаётган 764 нафар стипендиатнинг 266 нафари ёки 34,8 фоизини қизлар ташкил этади. Жамғарманинг 2025 йилги 1-очиқ стипендия танлови совриндори бўлган 176 нафар иштирокчининг 43 нафари қизлардан иборат.

Мамлакатимизда 187 минг нафар қизлар “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида ахборот технологиялари бўйича ўқитилгани кишини тўлқинлантиради. Зотан, илмли ўғиллар оиланинг суянчи бўлса, илмли қизлар миллатнинг таянчи саналади.

Ёдингизда бўлса, 2026 йил қилиб келиши арафасида республикамиздаги ОАВ ва ижтимоий тармоқларда чақмоқдек янграган хушхабар нафақат илм-маърифат аҳли, балки бутун кенг жамоатчиликнинг диққат-эътиборини тортди. Фарғона шаҳридаги Президент мактабининг 11-синф ўқувчиси Дилафрўз Собированинг Гарвард

университетига қабул қилиниб, 4 йиллик бакалавриат босқичи учун 100 фоизли грантни ютиб олгани юртимиз, ҳатто минтакамиз бўйлаб акс-садо берди.

–Албатта, Гарвард университети талабаси бўлиш осон эмас, боиси унга ҳар йили дунёнинг турли мамлакатларидан юз минглаб билимли ёшлар ўқишга кириш учун ариза топширишади, – дейди Дилафрўз Собирова. – Ҳисоб-китобларга кўра, юз минглаб талабгорлар орасидан фақат 3,6 фоизининг аризаси қабул қилинади. Гарвард дунё ёшлари орасидан илми ва дунёқараши энг кучлиларни ўзига жалб қилади, у тақдим этаётган ўқув дастури энг яхши таълим тизимларидан бири ҳисобланади. Гарвардда кўплаб Нобель мукофоти совриндорлари, жаҳоншумул кашфиётлар муаллифлари, юксак малакали олим-профессорлар ишлайди. Бир сўз билан айтганда, Гарвардда ўқиш – бу дунёнинг энг юқори академик даражасига эришишдир. Бу ерда замонавий билимларни чуқур ўрганиш билан бир қаторда танқидий фикрлаш, мураккаб муаммоларни ҳал қилиш ва етакчилик қобилиятини шакллантириш имконияти мавжуд. Келгусида Гарварднинг Интегратив биология йўналишида бакалавриат босқичини тамомлаб, сўнг магистратураи ҳам ўша ерда давом эттирмоқчиман. Инсон генетикасини чуқур ўрганиш ва шу орқали Даун синдроми, ирсият билан боғлиқ саратон турларини даволашда инқилобий янгилик яратиш, кейинчалик тиббиёт йўналишида Нобель мукофотини олишни ўз олдимга мақсад қилиб

қўйганман.

Дилафрўзнинг отаси – Салоҳиддин ака шифокор, Қува туман тез тиббий ёрдам бўлимида ишлайди, онаси эса кимё-биология ўқитувчиси. Шунинг ўзиёқ Дилафрўзнинг, эҳтимол, миллионлаб ёшлар орзуси – Гарвардда ўқиш бахтига муяссар бўлгани асло тасодиф эмаслигига ишора қилади. Бир томондан юртимиз таълим тизимида илғор халқаро ютуқлар жорий этилаётгани юзлаб қизларимиз қаторида Дилафрўз учун ҳам замонавий билимларни эгаллашида пиллапоё вазифасини бажараётган бўлса, бир томондан зиёли оиладаги соғлом муҳит, илмга чанқоқлик унинг орзулари бирин-кетин рўёбга чиқишига замин яратаётгани шубҳасиз.

– Қизим Дилафрўзнинг ютуғидан, ишонинг, бошимиз осмонга етди, – дейди Салоҳиддин Коратоев. – Бутун оиламиз билан шунчалар қувондикки, мана, орадан қанча вақт ўтган бўлса ҳам, ҳалиям ичимиздаги ҳаяжон босилгани йўқ. Гарвард университетининг дунё микёсидаги обрўси, унга ўқишга киришнинг қанчалар машаққатли эканини яхши биламиз. Қизимнинг мана шундай энг кучлилар ичидан танлангани билан ҳар қанча фахрлансак, арзийди.

Салоҳиддин ака қизининг боғча ёшидаёқ ўқиб-ёзишни ўзлаштиргани, мактаб таълими билан бир қаторда қўшимча ўқув курсларига қатнаб, Президент мактабига кириш учун ҳафталаб, оилаб китобдан бош кўтармаганию синовлардан мўваффақиятли ўтганини, дилбандининг илм чўққисига интилаётганини фахр билан сўзларкан, Дилафрўзнинг сингиллари ҳам опаси изидан боришини, бунинг учун кўлидан келган имкониятни, шароитни яратиб беришга интилаётганини яширмайди. “Қизларим илмли бўлиб, ҳаётда, жамиятда ўз ўрнини топса, бўлди, менинг ниятим шу!”, дейди ота самимийлик билан.

–24 февраль куни Президентимиз ёшлар билан видеоселектор шаклида ўтказган очиқ мулоқотида республика бўйича минглаб тенгдошларимиз иштирок этиб, ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилди, – дейди Дилафрўз. – Мен ҳам биз, ёшларга берилаётган бекиёс имкониятлар учун ташаккур билдирарканман, энг юксак орзуимни, яъни бир кун келиб халқаро Нобель мукофотини олишни ва бу мукофотни олиш маросимида ўзбек тилида нутқ

сўзлашимни айтдим. Давлатимиз раҳбарининг “Ғурурим, ифтихорим, қанотим бўлган мана шундай қизларим билан кўришиб турганимдан фахрланаман”, деган сўзларидан мен шараф билан бирга улкан масъулият ҳиссини туйдим. Энди бу шунчаки орзу бўлиб қолмаслиги учун ҳам янада ўқиб-изланишим, илм олиш машаққатидан чўчимай, олдинга интилишда давом этишим кераклигини юрагимдан ўтказдим.

Дарвоқе, 24 февраль куни “Кўксарой” қароргоҳида ёшлар билан бўлиб ўтган мулоқот доирасида давлат раҳбари “Рақамли технологиялар йўналишида энг яхши стартап” – “President Tech Award” лойиҳаси ғолибларининг тақдими билан ҳам танишди.

“Рақамли технологиялар йўналишида энг яхши стартап” танловида биринчи ўринга мўносиб топилган “Femmy” платформасининг асосчиси, 24 ёшли Мафтуна Каримова минглаб қизларимиз учун ибрат олишга мўносиб, салоҳиятли ёшларимиздан.

–ИТ соҳасига 6-7 синфларда ўқиб юрган пайтимдаёқ қизикқанман, – дейди Мафтуна. – Бу соҳани танлашим аввалига ота-онамда хавотир уйғотди. Чунки яқин-яқингача жамиятимизда дастурчиликка жуда мураккаб ва фақат эркаклар бажара оладиган ишдек қаралар эди, тўғрими? Лекин қиз бола ҳам дастурчи бўла олиши, дунёда ИТ индустриясини ривожлантиришда аёлларнинг ҳам улуши катта эканини тушунишгач, улар мени қўллаб-қувватлашди, катта марраларни забт этишимга ишонч билдиришди. Бу эса менга қанот бўлди.

17 ёшимда биринчи лойиҳа тақлифини олдим. Олийгоҳни тугатганимда мен 4 йиллик тажрибага эга дастурчи бўлиб улгургандим. Мен доим жамиятдаги мавжуд муаммоларга ИТ орқали ечим тақдим этишга ҳаракат қиламан. Кузатиш ва ўрганишларим давомида юртимизда аёллар репродуктив саломатлиги борасида ишончли платформага эҳтиёж борлигини билдим. Яъни аёллар учун

мураккаб тиббий атамаларсиз, соғлигимизни назорат қилувчи воситаларни бир жойга жамлайдиган платформа керак эди. “Femmy” мана шу эҳтиёж ортидан пайдо бўлди. Биласизми, ҳеч қандай маркетинг қилмасак ҳам, 20 мингдан ортиқ хотин-қизлар платформамиздан фойдаланмоқда, уларнинг 70 фоизи вилоятларда яшайди. Шу кунларда жамоам билан “Femmy-2” лойиҳаси устида ишлаяпмиз. Унда репродуктив саломатлик бўйича энг кучли мутахассисларни платформага жалб этиш ва янги функцияларни қўшиш орқали уни аёлларимизга янада фойдали қилиш учун иزلаняпмиз.

Мафтунадан бугун ўзбек қизларининг касбий танловлари орасида ИТ соҳаси қай даражада оммалашаётгани тўғрисида сўраймиз.

–Юртимизнинг қайси шаҳри ёки туманига борманг, ўқув марказларида ИТ соҳаларини, рақамли технологияларни ўрганаётган қизларнинг сафи кенглигини кўриб, кўзингиз қувонади, – дейди Мафтуна. – Тажрибамдан келиб чиқиб айтаманки, биз, қизлар бу соҳада оилани боқиш масъулияти билан яшайдиган йигитларимиз билан бир сафда ғалаба учун курашамиз. Уларда изланиш ва енгилмаслик учун сабаблар кўп. Биз, қизлар эса ичимиздаги иштиёққа ва матонатимизга, қатъий мақсадларимизга суянамиз. Бир муддат шу соҳада ўқитувчилик қилиб, таълим ҳам берганман. Кўзлари ёниб турган, орзулари сари интилаётган қизларимиз илм-фанда, замонавий касбларда ютуқларга эришиши кўп жиҳатдан уларнинг ота-онасига, оиласига боғлиқ эканини яхши биламан.

Чиндан ҳам, бугун юртимиз ёшлари орасида Мафтуна, Дилафрўз сингари ўз олдида катта-катта мақсадларни қўйиб, бунинг учун ҳар қандай машаққат ва тўсиқларни енгиб ўтаётган, натижада ҳавас қилгулик ютуқларга мушарраф бўлаётган қизларимиз сафи кенгайиши – бу катта халқ, буюк миллат сифатида шаклланишимиздан далолат беради. Ахир аёл илми бўлса, миллат илмли бўлади. Давлат ва жамиятнинг жадал суръатда тараққий топиши учун ҳам илм-маърифатли қизлар ҳал қилувчи, энг қимматли ресурс ҳисобланади.

Фарида МАҲКАМОВА,
“Ўзбекистон овози”
муҳбири.

СУРХОНДАРЁ – ОНА ВАТАНИМИЗНИНГ ЖАНУБИЙ ТАЯНЧ УСТУНИ



➤ (Давоми. Боши 1-бетда)

Чори ЮСУПОВ,
Ўзбекистон ХДП Жарқўрғон туман
Кенгаши раиси, халқ депутатлари
туман Кенгашидаги депутатлик
гуруҳи аъзоси:

– Қадим маданий тарихга эга ҳудуд иқтисодий салоҳияти, табиий бойликлари за бетакрор табиати билан ажралиб гуради. Воҳанинг рельефи тоғ ва гексикликлардан иборат бўлиб, шимолий қисми Боботоғ ҳамда Ҳисор тоғ тизмалари билан ўралган. Тоғ олди ва адирларда чорва учун бепоён яйловлар мавжуд. Кенг майдонларда тоқзорлар, анорзорлар, ёнғоқзорлар ва интенсив боғлар барпо этилмоқда.

Қисқа даврда воҳа янгича қиёфа касб этиб, бетакрор кўринишга эга бўлди. Жойларда замонавий иншоотлар, ўзига хос фусункорлик касб этган таълим муассасалари, тиббиёт масканлари, жаҳон талабларига жавоб берадиган спорт иншоотларининг иш бошлагани бунинг ёрқин исботидир. Булардан ташқари, йирик ва салоҳиятли завод-фабрикаларни ишга тушириш, хорижлик ҳамкорлар билан корхоналар ташкил этиш борасида дюрд қадамлар ташланмоқда. Натижада юрдошларимизнинг яшаш шароити кундан-кунга яхшиланиб, турмуш фаровонлиги тобора юксалмоқда.

Яқин-яқингача асосан 2-4 қаватли уй-жойлар қурилган бўлса, бугунги кунда ҳар жиҳатдан кўркем турар жойлар барпо этилаёпти. Уларнинг асосий қисми олис ва бориш қийин бўлган манзилларда қад ростлагани элдошларимизнинг кўнглидаги иш бўлаяпти. Масалан, 2016 йилгача воҳада бор-йўғи 108 та кўп қаватли (асосан 2-4 қаватдан иборат) уй-жой бўлган бўлса, ҳозирги кунда уларнинг сони 1 минг 800 тадан (10-12 ҳатто, 16-қаватли) ошиб кетди.

Жарқўрғон тумани ҳам кундан-кунга янгича қиёфа касб этмоқда. Элдошларимизга муносиб шароит яратиш борасида юз йилда қилинмаган ишлар амалга оширилаётганини кўпчилик кўриб-билиб турибди. Кекса-ю ёш чин дилдан ҳис қиляпти янгиланишларни.

Туманининг олис ҳудудидаги 50 гектарли майдонда 116 та кўп қаватли уй барпо қилинаётгани ҳам бунинг ҳаётий намунасидир. Қисқа даврда 68 та уй, шинам поликлиника, 180 ўринли боғча, 330 ўринли мактаб фойдаланишга топширилган бўлса, улкан майдондаги оламшумул қурилиш-бунёдкорликлар янада авжига чиққан. Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари дейсизми, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мажмуаларими, бари-бари мужассам бу массивда. Муқобил электр энергияси тизими барпо этилмоқда. “Яшил ҳудуд” ташкил қилиш мақсадида меваали ва манзарали дарахтлар экиляпти. Ранг-баранг гуллардан диллар яйрайди. Бундай эзгу амаллар замирида халқимизнинг турмуш фаровонлигини яхшилаш ва эртанги кунга бўлган ишончини ошириш мақсади мужассамдир.

Неъматулло АСТАНАҚУЛОВ,
Ўзбекистон ХДП фахрийси:

– Ҳозир 64 ёшдаман. Ўттиз йилдан ортиқ академик Маҳмуд Мирзаев номидаги боғдорчилик, ўзумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтига қарашли Сурхондарё илмий тажриба станциясида меҳнат қилдим. Кўп йиллик тажрибамдан келиб чиққан ҳолда айтадиган бўлсам, қадим Сурхоннинг иқлими ўзгача, табиати фусункорлиги билан ажралиб туради.

Ҳудудларда қорвачилик ва боғдорчилик билан бир қаторда, томорқачиликка ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тажрибали боғбон, миришкор деҳқон ва уста томорқа ер эгалари томонидан бир йилда уч мартагача ҳосил олинаёпти. Масалан, ўтган асрнинг охирларида хурмо ва лимон иқлимлаштирилган бўлса, бугунги кунда апелсин, мандарин, стевия, папая каби цитрус мева ҳамда ноёб экинлар кўпайтирилаётгани бунинг ёрқин

ифодасидир.

Термиз туманидаги “Томорқа мактаби” ҳам ана шундай мажмуалардан бири ҳисобланади. Давлатимиз раҳбари даргоҳ фаолияти билан яқиндан танишар экан, инновацион усуллардан янада кенгроқ фойдаланиш, тежамкорликка эришиш ҳамда ҳамкорликни кенгайтириш борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Намунали мактабда банан, папая, розмарин, лаванда, лимон, анжир, булғор қалампери ва бошқа экинлар етиштирилмоқда. Кўчатчилик ва гулчилик йўлга қўйилган. Ўқув биноси яқинида уч гектарли иссиқхона ҳамда уч гектардан иборат ўқув-тажриба майдончаси ташкил қилинган. Даргоҳ Термиз, Музработ, Бандихон, Ангор, Жарқўрғон туманлари ёшларини қамраб олган бўлиб, йигит-қизлар томорқадан унумли фойдаланиш, доимий даромад манбаига эга бўлиш сирларини мукамал ўрганмоқда.

Бундай янгиланиш ва ўзгаришлар бошқа ҳудудларда ҳам изчил давом этмоқда. Масалан, Россиянинг “Лето” компанияси билан ҳамкорликда Музработ туманида 130 гектар ерда кўкат етиштирилаётгани бунга ёрқин мисол бўла олади. Ангор, Жарқўрғон, Қумқўрғон, Термиз туманларида дайкон, қизилча, саримсоқпиез оммалашган бўлса, Шеробод, Олтинсой, Сариев, Денов ва Термизда эртапишар кулупнай ҳамда малиназорларни ташкил қилиш кўзда тутилган. Жарқўрғон, Қумқўрғон, Олтинсой, Сариев туманларида лимончилик тараққий этаётган бўлса, Қизирик, Бандихон ҳамда Шеробод туманларида харидоргир қовун навлари



СУРХОНДАРЁ НАФАҚАТ
ТАБИАТИ ГЎЗАЛ
ЗАМИН, БАЛКИ РУҲИ
БАҚУВВАТ, ҒАЙРАТИ
БАЛАНД, ОРИЯТИ
МУСТАҲҚАМ ИНСОНЛАР
ЮРТИДИР, СУРХОННИ
РИВОЖЛАНТИРИШ
ЯНГИ
ЎЗБЕКИСТОННИНГ
ЖАНУБИЙ ТАЯНЧ
УСТУНИНИ
МУСТАҲҚАМЛАШ
ДЕМАҚДИР.

экилмоқда. Томорқачиликдан унумли фойдаланилса, рўзгорлар обод, турмушимиз янада фаровон бўлиши муқаррар.

Шахло ҚОДИРОВА,
халқ депутатлари Сурхондарё
вилоят Кенгашидаги Ўзбекистон
ХДП гурӯҳи аъзоси:

– Сув – ҳаёт демақдир. Обиҳаёт бор жой гуллаб-яшнайд, тўкинлик ва фаровонлик бўлади. Шу боис ота-боболаримиз сувни



эъозлаб, исроф бўлишига йўл қўймаган.

Қатор дарё ва каналлар бўлса-да, аҳоли узоқ йиллар ичимлик сувидан қийналгани аччиқ ҳақиқат. Деҳқончилик қилишда муаммолар юзга келганини кўпчилик яхши билади.

“Тўпаланг” сув омборидан обиҳаёт келтирилгани бу борада тўпланиб қолган қатор муаммолар ечимида айни муддао бўлди. Бунинг учун қарийб 158,2 километр

магистраль ва 227,9 километрдан ортиқ қувур тортилиб, 1 миллион 700 минг нафардан ортиқ киши тоза ичимлик сувидан баҳраманд бўлаётгани кўп йиллик орзулар ушалганидан далолат беради.

Давлатимиз раҳбари Термиз шаҳрида “Тўпаланг” сув омбори сувидан фойдаланиш асосида амалга оширилаётган ичимлик суви таъминоти лойиҳаси натижалари билан танишиш жараёнида бу ҳақда алоҳида тўхталиб ўтди. Умумий лойиҳа қиймати 287 миллион долларни ташкил қиладиган қурилиш-бунёдкорликлар туфайли Термиз шаҳри, Ангор, Бандихон, Қизирик, Шеробод, Музработ каби туманларнинг 223 маҳалласига тоза ичимлик суви қириб боргани эътироф этилди.

Шу ўринда “Тўпаланг” сув омбори хусусида тўхталмоқчиман: мазкур гидроиншоот нафақат юртимиз балки, Марказий Осиёдаги улкан мажмуалардан бири ҳисобланади. Сув омбори Сариев, Денов, Олтинсой, Шўрчи, Қумқўрғон туманларидаги 130 минг гектардан ортиқ майдонни сув билан таъминлаётган бўлса, келажақда бу кўрсаткични 270-300 минг



гектарга етказиш кўзда тутилган.

Маҳобатли мажмуа нафақат обиҳаёт балки, “яшил энергия” ишлаб чиқарадиган беқиёс манба эканлигини ҳам айтиб ўтиш лозим. Янги замон шарофати билан қуввати 75,6 МВт бўлган “Зарчоб-1” ва “Зарчоб-2” кичик ГЭСлар каскади фойдаланишга топширилгани мамлакатимиз электр энергияси салоҳиятини янада юксалтиришда муҳим ўрин тутуши табиий.

Ҳозирги кунда Шўрчи, Денов, Олтинсой, Сариев ва Узун туманларида 1 миллион нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилмоқда. Ҳудуд географик жиҳатдан тоғолдида жойлашган бўлса-да, юрдошларимизнинг асосий қисми тоза ичимлик сув билан таъминланмаганди. Ҳатто туманлар марказларидаги кўп қаватли уйларда истиқомат қиладиганлар ҳам обиҳаётдан қийналиб келган. Тарихий аҳамиятга эга лойиҳа шубҳасиз, минглаб юрдошларимиз орзусининг рўёби бўлди. Оламшумул ўзгариш ва тарихий янгиланишларга гувоҳ бўлаяпмиз.

Адолат ХОЛТЎРАЕВА,
Ўзбекистон ХДП Сурхондарё вилоят
кенгаши раиси ўринбосари:

– Сурхондарёда саноат, хизмат кўрсатиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари

қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва бошқа йўналишларда юксак натижаларга эришилгани қайд этилди.

Сифатли ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш давр талабидир. Бу борада хориж инвестициясини жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилгани муваффақиятлар гарови бўлмоқда. 2017-2025 йилларда қарийб 5 миллиард долларга яқин хориж инвестицияси ўзлаштирилгани ҳам бунинг ёрқин ифодасидир. Маълумки, экспорт мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириши табиий. Сўнгги 8 йилда воҳада саноат маҳсулотлари ҳажми 4,5 баробарга ошган бўлса, мева-сабзавот экспорти 2 баробарга ортган. Биргина ўтган йили бу рақам 500 миллион долларни ташкил қилгани таҳсинга сазовор. Россия, Хитой, АҚШ, Япония, Корея, Африка, Қозғистон Чехия, Жанубий Корея, Туркменистон, Япония, Португалия ва Испания яқин ҳамкорлар сафига қўшилгани воҳанинг экспорт салоҳияти йил сайин юксалаётганидан далолат беради.

Туризм – иқтисодиётнинг асосий тармоқларидан бири ҳисобланади. Шу

боисдан ҳам экотуризм, агротуризм, экстремал шароитлар туризмига алоҳида эътибор қаратилгани қувонарли. Шу билан бир қаторда маданий мерос объектларини таъмирлаш, ободонлаштириш, сайёҳлар учун оммавий кўнгилочар тадбирлар ташкил этиш, меҳмонхоналарда хизмат кўрсатиш сифатини юксалтириш, замонавий инфратузилма объектларини барпо этиш назардан четда қолаётгани йўқ. Меҳмонларнинг табиат қўнида мароқли хордиқ чиқариши, бетакрор табиат гўзаллигидан баҳра олишлари учун қулай шароитлар яратилмоқда. Ўтган йили 3 миллиондан ортиқ сайёҳлар келган бўлса, яқин келажақда бу борадаги кўрсаткични икки баробарга ошириш устувор вазифа қилиб белгиланган.

Жорий йилда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмини 63,7 триллион сўмдан 72,2 триллион сўм ёки 106,3 фоизга етказиш мақсад қилинган. Ҳудудий инвестиция дастури доирасида 382 та лойиҳани ишга тушириш, 1,8 минг гектар қишлоқ хўжалиги ерларини ўзлаштириш, 41,7 минг гектар майдонларда сувни тежовчи технологияларни жорий қилиш асосий йўналишлардан ҳисобланади. Булардан ташқари, 5 минг хонадонли кўп қаватли уй-жойларни барпо қилиш, 1,1 минг километрли ички йўللарни таъмирлаш, меҳнат бозорига қириб келадиган 10 минг битирувчи ёшларнинг бандлигини таъминлаш, 1,3 минг нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларни манзилли қўллаб-қувватлаш борасида махсус “йўл харитаси” ишлаб чиқилган.

Сурхондарё вилоятини комплекс ривожлантириш бўйича ўтказилган йиғилишда ана шундай устувор вазифаларга эътибор қаратилди. Ҳудудда 5 миллиард долларлик 8 мингдан ортиқ лойиҳа ишга туширилгани эътироф қилинди. Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашни янада жадаллаштириш, “Тошкент – Термиз” тезоарар поезди қатновини йўлга қўйиш, замонавий автобуслар олиб келиш, оқова сув тизимларини таъмирлаш, жойларда “Томорқа мактаблари”ни ташкил қилиш, янги авиарейслар очиш борасида кўрсатмалар берилди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, Сурхондарё нафақат табиати гўзал замин, балки руҳи бақувват, ғайрати баланд, орияти мустаҳкам инсонлар юртидир, Сурхонни ривожлантириш Янги Ўзбекистоннинг жанубий таянч устунини мустаҳкамлаш демақдир.

Танти ва мард халқимиз билан ҳамжихатликда меҳнат қилсак, жанубнинг олтин дарвозаси янада обод бўлиб, ўзгача чирой очиши муқаррар.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
“Ўзбекистон овози”
муҳбири.

Кутлов



“МИКРОКРЕДИТБАНК”

акциядорлик тижорат банки жамоаси

*юртимиздаги барча аёлларни, шу
жумладан, банк ва молия тизимида
меҳнат қилиб келаётган дилбар
опасинилларимиз, лобар ва иўзал
қизларимизни 8 март — Халқаро
хотин-қизлар куни билан самимий
муборақбод этади!*

**Сиз, азизларни кўклам нафаси уфуриб турган баҳорий
қувонч йил бўйи асло тарк этмасин!**



MUASSIS:



O'zbekiston Ovozi

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV
Ulug'bek VAFOYEV
Magsuda VORISOVA
Qalandar ABDURAHMONOV

Gulliston ANNAQILICHEVA
Muslihiddin MUHIDDINOV
Olim RAVSHANOV
Toshtemir XUDOYQULOV

Bosh muharrir: Nazira MATYAKUBOVA

MANZILIMIZ: 100029, Toshkent, Mустақиллик майдони 5/3

Телефонлар: (71) 239-12-14

Реклама бўлими: (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi
boshmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV

Г — 337. 2692 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni —

Topshirilgan vaqti — 21:00

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda